

**ИЛОН МАСК
ГОВОРIT,
ЧТО ВЫГРУЗИЛ
СВОЙ МОЗГ
В "ОБЛАКО"**

5-стр.



**ХИАОМИ АВГУСТДА
ЎЗИНИНГ
БИРИНЧИ
ЭЛЕКТРОМОБИЛИНИ
ЧИҚАРАДИ**

6-бет.



**ҚАЙСИ
БИРИНИ
СОТИБ
ОЛСАМ ЭКАН?**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**29 (1555)-son
22-iyul
2022**

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



TIME MANAGEMENT

Натижа ва самарадорлик кафолати

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарлари ва ходимлари учун махсус ўқув курси ўтказилди.

"Time management – натижа ва самарадорлик кафолати" деб номланган ушбу курсларда вазирликнинг раҳбар ва ходимлари иштирок этди. Улар вақт ресурсларидан самарали фойдаланиш, вақтни тўғри тақсимлаш ва тезкор режалаштириш, шунингдек, ҳар бир ходимнинг самарадорлигини ошириш имконини берадиган машгулотларда фаол қатнашди.

Махсус ўқув курси давомида муваффақиятли иштирок этган тингловчилар вазирликнинг махсус сертификатлари билан тақдирланди.



GAP — АЙТИЧИ АЁЛЛАР КЛУБИ

Вазирлик ташаббуси билан янги лойиҳага старт берилди

Сўнгги йилларда ҳукумат аёлларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунини Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу ислохотлар доирасида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташаббуси билан ва IT-ПАРК ҳамкорлигида аёлларни ахборот технологиялари соҳасига жалб этишга қаратилган янги лойиҳа – GAP деб номланган IT соҳасида аёллар клуби ташкил этилди.

ДУНЁДА ЭНГ КўП ТАРҚАЛГАН ТИЛЛАР

1. Инглизча (1,5 миллиард киши)
2. Хитойча (1,3 миллиард киши)
3. Испанча (550 млн. киши)
4. Арабча (320 млн. киши)
5. Франсузча (280 млн. киши)
6. Русча (260 млн. киши)
7. Португалча (240 млн. киши)
8. Немисча (180 млн. киши)
9. Италиянча (140 млн. киши)
10. Форсча (113 млн. киши)



Манба: toptimes.ru

Туристтик хаб

МАРКАЗДА АКТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ СИФАТЛИ ЯКУНЛАШ БЎЙИЧА ИШЧИ ГУРУХ ТУЗИЛДИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTRISH VAZIRI ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ.

Ташриф доирасида АКТ вазири Шерзод Шерматов Самарқанд шаҳрида ташкил этиладиган туризм марказида телекоммуникация инфратузилмасини ташкил этиш бўйича олиб бориладиган ишлар билан танишди.

Қуриладиган марказ туристик хабга айланиб, бу ерда халқаро анжуманлар ўтказиш учун ҳам кенг шароит яратилади. Шу мақсадда марказда ахборот коммуникация ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш доирасида АКТ вазирлиги томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туризм маркази ҳудуди мобил алоқа ва мобил интернет хизматлари билан қамраб олиниб, ҳозирга

қадар мобил алоқа ва интернет хизматлари учун 35 метрли тўртта антенна-мачта иншоотлари ўрнатилди. Объектлар юқори тезликдаги узлуксиз интернет ва тўғридан-тўғри халқаро телефон алоқаси билан таъминланди. Шу билан бирга, Самарқанд туризм марказига бўлган беш километр масофада алоқа тармоқларини қуриш ишлари бажарилди. Марказ компьютер ва нуска кўчириш ускуналари, проекторлар ва экранлар, шунингдек, зарур бошқа махсус ускуналарни, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун компьютерлар, Wi-Fi ва бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган.

Вазир ҳудудда қуриладиган кўп қаватли биноларнинг ички қисмини мобил алоқа ва мобил интернет хизматлари билан қамраб олиш бўйича Active DAC технологиясидаги ички кам қувватли мобил алоқа база станцияларини монтаж қилиш бўйича олиб бориладиган ишлар, шунингдек, ҳудуддаги йиғилишлар залида ташкил этилган сервер хоналари, монтаж ишлари билан танишди. Шунингдек, ҳудудда "Хавфсиз шаҳар" йўналиши бўйича ташкил этиладиган вазиятлар маркази (situation center) қурилиши ишларини кўздан кечирди.

Ушбу янги қуриладиган туризм марказида телекоммуникация инфратузилмасини ва АКТ тизимларини ишга тушириш ишларини сифатли яқунлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатувчи ишчи гуруҳи ташкил этилди.



Жумадан жумагача

Президент Шавкат Мирзиёев 15 июл куни Имом Бухорий қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилиниб, дуо ўқилди. Бугунги кунда ушбу мажмуа қайта қурилмоқда. Қарийб 10 минг намозхонга мўлжалланган масжид, тўртта минора, айвонлар барпо этилмоқда. Мажмуа ёнида меҳмонхоналар, автотураргоҳ, автобекат, ошхоналар, савдо расталари, таҳоратхоналар қурилади. Давлатимиз раҳбари шу борадаги ишларни кўздан кечирди, зиёратчиларга барча қўлайликларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Президентимиз Самарқанд туманида барпо этилаётган Туризм марказини ҳам бориб кўрди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 июл куни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда туман ва маҳаллалардаги ижобий тажрибалар билан бирга камчиликлар ҳам очикча муҳокама қилинди. Йиғилишда шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июл куни расмий ташир билан мамлакатимизга келган Грузия Бош вазир Ираклий Гарибашвилини қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликка доир, энг аввало, транспорт ва логистика, савдо, саноат кооперацияси соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июл куни мамлакатимизда амалий ташир билан келган Эрон Ислом Республикаси вице-президенти Сорена Сатторийни қабул қилди. Кўп қиррали Ўзбекистон – Эрон муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Фан, инновация ва технологиялар соҳасида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг тақлифига биноан 20 июл куни Чўлпонота шаҳрига келди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммити олдидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қорақалпоғистон Республикаси хулудидида фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида" ги фармонини тасдиқлаш ҳақида" ги қўшма қарори эълон қилинди.



ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЙИРИК ИТ КОМПАНИЯЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАЛБ ҚИЛИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ ЕВРОПА-ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК АССОЦИАЦИЯСИ (EUROUZ) БОШ КОТИБИ ОЙБЕК ШАЙХОВ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ.

Учрашувда АКТ соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш, EUROUZ орқали Европа давлатларининг йирик ИТ компанияларини Ўзбекистонга жалб қилишда ҳамкорлик қилиш ҳамда амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар тўғрисида гаплашилди.

Учрашув давомида АКТ вазирининг мамлакатимизда ҳам аутсорсинг хизматлари (ВРО ва КРО) ривожланганини айтиб ўтди. Хорижий компаниялар иштирокида ВРО

хизматларини ривожлантириш ва шу тариқа ИТ маҳсулот ва хизматлар экспортини ошириш, ёшларни АКТ соҳасига кенг жалб қилиш ҳамда юқори маошли иш билан таъминлашдан иборат эканлигини қайд этди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик қилиш борасидаги фикр ва мулоҳазалар тингланди. Келгусида манfaatли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича масалалар гаплашиб олинди.

Томонлар ҳамкорликни ривожлантириш учун юқори салоҳият мавжудлигини қайд этиб, ахборот технологиялари соҳасида шерикликни ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ташаббус



GAP – АЙТИЧИ АЁЛЛАР КЛУБИ

Вазирлик ташаббуси билан янги лойиҳага старт берилди

2022 йил 19 июл куни Тошкентда бўлиб ўтган GAP ИТ соҳасида аёллар клуби лойиҳасини ишга тушириш маросимида АКТ вазирининг маслаҳатчиси Камола Собирова, АКТ халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи Умида Мусаева, ИТ-Парк вакиллари, компания раҳбарлари, лойиҳа менежерлари, ИТ соҳасида муваффақиятга эришган аёллар иштирок этди.

Бундан ташқари, Finextra ИТ-компанияси директори Наргис Дусматова, Khan Academy Uzbek лойиҳаси ҳаммуассиси Нигора

Арифжанова ва Websale Distribution ИТ-компанияси арт-менежери Дилором Худояровалар ўз лойиҳалари ҳақида гапириб, ИТ соҳасида эришган тажрибалари билан бўлишдилар ва иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

Таъкидлаш керакки, аёлларни АКТ соҳасида ўқитиш ва ривожлантириш келажакда уларга юқори маошли иш топиш имконини беради. Бу, айниқса, ўзларига қулай жадвалда ишлашни орзу қиладиган

аёллар ва фрилансерлар учун долзарб. Бундан ташқари, бу ҳар бир аёлнинг ўз даромадига эгаллиги ва молиявий жиҳатдан мустақил бўлишига имкон яратади.

Тадбирнинг расмий қисми яқунлангач, иштирокчилар мотивацион филмни биргаликда кўришга ва ўзаро мулоқот қилиб, дўстона муносабатларни ўрнатишга муваффақ бўлишди.

Эндиликда клуб аъзолари ҳар ой расмий ва норасмий қисмларни ўз ичига олган тадбирларни ўтказиши.



БУХОРО:

БАРЧА СОҲАЛАРДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРМАСДАН ЭРИШИШ БЎЛМАЙДИ.

Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасига қизиқувчи ёшларнинг келажагига юксак эътибор қаратилиб, билим олиши, истеъдодини намойён этиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Президентимиз 2021 йил 21-22 январ кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида “Бухоро азалдан илм-фан маркази бўлган. Бугун ҳам билимли, интилувчан ёшлар кўп. Бухоронинг IT соҳаси бўйича брендини яратиш керак. Бунинг учун барча нарса – шароит, ресурс, интеллект бор” деб таъкидлаб ўтган эди.

– Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида IT-Парк Бухоро филиали вақтинчалик фаолиятини юритиш учун Бухоро шаҳридаги 5-умумтаълим мактабининг бўш турган қисмидан дастурчилар учун жами 950 м.кв. майдондан иборат 9та хона жорий таъмирланди, – дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Алижон Яхшиев. – Замоनावий мебел ва компьютер жиҳозлари ажратилди. IT-Парк Бухоро филиали томонидан ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, стартап лойиҳаларни ҳаётда жорий қилиш бўйича аниқ вазибалар белгилаб олинди. Биргина жорий йилнинг май ойида 397 нафар ёшлар шаҳар ва туманларда ташкил қилинган

Рақамли технологиялар ўқув марказларига жалб қилинган.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бўйича ишлаб чиқилган йўл харитасидаги вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги шаҳар ва туман Рақамли технологиялар ўқув марказлари томонидан IT-Парк университети, ўқув марказлар фаолияти, “Бир миллион дастурчи лойиҳаси”ни тарғиб қилиш доирасида 5 минг нафар ёшлар қамраб олинди. Тарғибот ишлари давомида ёшларни IT соҳасида ўқитиш, даромдли касб эгаси бўлиш, IT тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бунда уларга IT-Парк томонидан яратилган имкониятлар юзасидан тўлиқ тушунчалар берилди.

Аҳоли билан бир қаторда давлат органлари ходимларининг ҳам ахборот технологиялар соҳасида билим даражаларини ошириш бўйича аниқ вазибалар белгилаб олинган. Президентимизнинг 2022 йил 24 мартдаги “Жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан вазирликнинг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси ва IT-Парк Бухоро филиали ҳамкорлигида Бухоро вилояти солиқ бошқармаси, шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари

учун ўқув-тренинглари ташкил қилинди. Асосий мақсадимиз барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётни ривожлантиришдир.

Бугунги кунда бухоролик ёшларнинг ҳам ҳаёти ва дунё қарашидаги ўзгаришлар, уларнинг соғлом келажакка интилиши Ватанимиз равнақиға ҳисса қўшиш истаги таҳсинга лойиқ. Шундай иқтидорли ёшлар томонидан аналогӣ бўлмаган сунъий қўл яратилгани бунга бир мисолдир.

Ёш иxtирочиларнинг янги технологияси, яъни робот қўл ногиронлар учун мўлжалланган бўлиб, у мушакларға бириктирилган сенсор орқали сигнал олади. Уларни бошқарувчиға юбориб, одамнинг ақлий қобилияти натижасида ҳаракатға келади. Маълумотларға кўра, INT42H инновацион лойиҳасининг дунёда аналогӣ йўқ. У ишға тушгандан кейин лойиҳанинг нейрон тизим алгоритмлари, дастурий таъминоти учун патентлаштирилади. Бу орқали юртимизда сунъий интеллектни ривожланиши учун илк қадам ташланиши ҳам мумкин.

– Жамоамиз билан биргаликда протез қўл лойиҳаси устида бир йил давомида ишладик, – дейди иxtирочи Мухриддин Яхёев. – Шундан келиб чиққан ҳолда иккинчи протез қўлни ишлаб чиқдик. Бу қўлнинг афзалликлари датчик ёрдамида мускуллар импульсини олиб қўлга беради. Протез қўлларимиз мускуллардан олинган импульслар орқали ишлайди. Қўл мускулдаги импульсни сезган пайтда протез

қўл ёпилади ва импульслар бўлмаганда очилади. Инсон ўзининг қўл импульси ёрдамида, яъни ногирон инсон ҳам у билан осон ишлаши мумкин.

Аввало бир жиҳатға эътибор қаратмоқчимиз, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилган Стартап танловида “Блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда сунъий интеллектға асосланган онлайн таълим учун платформа” лойиҳасида бухоролик ёш иxtирочилар 584,5 миллион сўмлик грант соҳибига айланган эди. Бу муваффақият тез орада ўз маҳсулини берди. RobotsAndMe жамоасининг бу ишланмаси Усмон Каримов каби ёшларнинг орзулари рўёбига хиёмат қилди.

– Бу қўл мускуллар орқали ишлайди, – дейди жамоа аъзоси Усмон Каримов. – Саломлашишға ёки бирор оғир нарсани кўтаришға жуда қулай робот қўл ногиронлар учун мўлжалланган. Бухоро давлат университети ҳузурда ташкил қилинган бу жамят иxtирочилари айна пайтда янги платформа устида бош қотирмоқда. Лойиҳа доирасида эндиликда робототехника, сунъий интеллект, веб дастурларни яратиш, компьютер саводхонлиги бўйича қизиқувчи ёшлар онлайн тарзда ушбу клуб аъзосига айланади.

Бухоролик ёшлар Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Стартап (Startup) танлови доирасида молиялаштирилган ўқув марказида ҳали бунга ўхшаган яна ўнлаб иxtирочилар устида иш олиб борилмоқда.

Зариф КОМИЛОВ

Фарғона вилояти: ОЛИС ҲУДУДЛАР ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ИНТЕРНЕТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА



“Ўзбектелеком” АК ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан амалга оширилаётган ишлар натижасида бугунги кунда юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам замоनावий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилмоқда.

Айтиш мумкинки, ушбу йўналишда компаниянинг Фарғона филиали томонидан ҳам вилоят бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Фаолиятлар самараси уларок, ҳудуднинг энг олис манзилларига ҳам

юқори тезликдаги интернет тармоғи кириб борапти. Зарурий инфратузилма мавжуд ҳудудларда эса тармоқ қўлами кенгайтирилмоқда.

Жумладан, филиалнинг Фурқат туман телекоммуникациялар боғламаси ходимлари ташаббуси билан Боғибустон қишлоғи аҳолисиға телефон ва интернет хизматларидан фойдаланишлари учун тўрт км. оптик толали алоқа кабелни грунт орқали ётқизиб борилди.

Айни пайтда зарурий техник ишлар якунланиб, аҳолини тармоқға улаш ишлари давом эттирилмоқда.



Зафарбек ИБРОХИМОВ:

ФРИЛАНСЕРЛИК – КАСБ ЭМАС, АММО...

БУГУНГИ КУНДА ОИЛА БАҒРИДА, ИШГА КЕЧ ҚОЛМАСДАН, РАҲБАРЛАРДАН ДАККИ ЭШИТМАСДАН, АСАБЛАРНИ АСРАГАН ҲОЛДА ЮҚОРИ ДАРОМАД ТОПИШ – ШУНЧАКИ ЧЎП-ЧАК ЭМАС! ОРАМИЗДА ФРИЛАНСЕРЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ЭШИТГАН, АММО ЯХШИРОҚ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛМАГАН КИШИЛАР КЎП. БУ БОРАДАГИ СИЗНИ ҚИЗҚИТИРГАН САВОЛЛАРГА IT ТАДБИРКОР, IT STARS ЛОЙИХАСИ ВА TECHCELLS КОМПАНИЯСИ АСОСЧИСИ, МУВАФФАҚИЯТЛИ ФРИЛАНСЕР ЗАФАРБЕК ИБРОХИМОВДАН ЖАВОБ ОЛАМИЗ.

Суҳбатдошимиз ҳақида:

Зафарбек Иброҳимов 1990 йили Андижон вилоятида туғилган. 2011 йилда Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг Business Information System йўналишини тамомлаган. 2019 йилда AQShning Калифорния штатида IT ва бизнес йўналиши бўйича магистратуранга тамомлаган. Дастурчилик соҳасидаги фаолиятини NBC Universal ва Forte Group каби йирик халқаро компанияларда бошлаган. 2019 йили TechCells компаниясига ва 2021 йили IT Stars лойиҳасига асос солган.

– Ассалому алайкум, IT соҳасига кириб келишингиз қандай бўлган ва нега айнан фрилансерлик фаолияти? Илк бор ишингизни қайси компанияда бошлагансиз?

– Вестминстер университетидеда ўқиб юрган кезларимда бизнес ва IT йўналишларидан қай бирини танлаш борасида менда жуда кўп иккиланишлар бўлган. Шунда дадамнинг мотивациялари билан IT мутахассиси бўлишни танлаганман. Фрилансер сифатида фаолият юритишимга эса курсдош дўстим сабаби бўлган. Мен у пайтлар университетни тамомлаб, GM компаниясига ишладим. IT соҳасига бўлган қизиқишим ва эркин ишлашга бўлган хоҳишим мени фрилансерлар оламига олиб кирган.

– Фрилансер ўзи ким ва IT мутахассислигидан ташқари яна қандай касб эгалари фрилансерлик билан шуғулланишлари мумкин?

– Фрилансерлик – бу касб эмас, ишлаш услуби. Мисол учун, бир ўқитувчи мактабда ишлайди, эрталаб ишга боради, кечқурун қайтади, раҳбарларга ҳисобот топширади. Унинг мактабдаги фаолияти доимий иш услуби ҳисоб бўлса, ўқитувчининг уйда қўшимча дарс бериши бу фрилансерлик ҳисобланади. Ўз ишини масофадан туриб амалга оширса бўладиган соҳа вакиллариининг барчаси фрилансер услубида ишлаб даромад топишлари мумкин. Агар сиз инглиз тилини билсангиз, мижозларингизнинг чегараси бўлмайди. Тил билиш, компютер ва интернет орқали дунёнинг исталган бурчагида сизга иш топилади!

– Тил билмасдан туриб ҳам фрилансер сифатида фаолият юритиш мумкинми?

– Албатта, тил билмаганлар ҳам фрилансерлик билан шуғулланишлари мумкин! Фрилансерликнинг асосий иккита йўналишини оладиган бўлса, биринчисидан мижозларга фрилансерларнинг ўзлари алоқага чиқишади,

иккинчисидан эса фрилансерларга мижозлар алоқага чиқишади. Мижозларнинг ўзлари сизга алоқага чиқишлари учун сиз ўз маҳсулотингизни сайтга жойлашингиз керак. Агар сиз дизайнер бўлсангиз, бирор нарсанинг дизайнини ясаб ҳам сайтга жойлаштириш орқали мижоз топишингиз мумкин. Бу жа-раёнда инглиз тили талаб этилмайди.

– Фрилансерлик билан шуғулланиш учун айнан қайси платформалар орқали иш топиш мумкин?

– Ҳозирдан мисол келтирадиган бўлсам, мен ўз фаолиятимни UpWorkда бошлаб, кейинчалик TopTala давом эттирганман. Аммо TopTala янги иш бошлаганлар учун тўғри келмайди. Чунки у камида икки йиллик иш тажрибаси ва мукамал инглиз тилини талаб қилади. UpWork эса тажрибасиз фрилансерлар учун айти мудао. Шунингдек, ҳали фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаган Fiverr платформасини ҳам фрилансерлар орасида энг трендга чиққан шатформа, десам муболага бўлмайди.

– Мактабда энг қийин фанлардан бири бу математика. Сизнингча, фанни яхши ўзлаштира олмадик ўқувчининг танбаллигиданми ёки ўқитувчи ўз дарсини қизиқарли ўта олиш маҳоратининг етишмаслигиданми? Бу саволни бежизга бермадим, сиз ҳам 6-синфгача математика ва инглиз тили фанларидан 3 баҳога ўқиган экансиз...

– Тўғриси айтсам, иккаласидан ҳам деб биламан. Мактабимни ўзгартирганимда у ердаги ўқитувчилар менинг ичимдаги ниманидир топа олишган, ҳозир уни сизларга сўз билан тушунтири бера олмайман. Аммо ана шу ўқитувчилар бошқа ўқувчиларга ҳам дарс беришган, улар орасида ҳам муваффақиятсизлари бўлган. Шу каби аввалги мактабимдаги ўқитувчилар дарс берган бошқа ўқувчилар ҳам ўзига яраша ақлли ва муваффақиятли

бўлишган. Бундан ҳулоса қиладиган бўлсак, қарс икки қўлдан чиқади.

– Сизнингча, IT соҳасини университетда ўрганган яхшими ёки ўқув курсларида ўқиб ҳам яхши мутахассис бўлиш мумкинми?

– Агар имконияти бўлса университетда ўқигани яхши. Чунки университет ҳар тарафлама кўп нарса беради инсонга. Жумаладан, шахсий ривожланишига туртки беради. Аммо университетда ўқимаган дегани, бу соҳага кира олмайди, дегани ҳам эмас. Олий маълумотли бўлмасдан туриб ҳам яхши мутахассис бўлиш мумкин.

– Ўзбекистонда фрилансерлик фаолиятини олиб бориш учун қандайдир тўсиқлар мавжудми?

– Ўзбекистонда фрилансерлар фаолиятига ҳеч қандай тўсиқ йўқ! Ҳоҳ маҳаллий, ҳоҳ глобал бозорда бўлсин, бемалол фрилансерлик билан шуғулланиш мумкин. Тўлов масалаларида ҳам ҳеч қандай муаммолар йўқ.

– Сизнингча, бутун дунё фриланс бозорига Ўзбекистоннинг ўрни қандай?

– Ўзбекистонлик мутахассисларнинг жаҳон фриланс аренасида ҳали шахсий картинаси чизилмаган. Биз ҳақимизда ҳали кўпчилик билмайди. Аммо биз дунё фриланс бозорига чиқмасимиздан аввал бир нарсани унутмаслигимиз керак. Фриланс этикаси, Work этикаси деган нарсалар бор. Дунё мамлакатлари билан ишлаётганда ана шу мамлакатлардаги мижозларнинг дунёқарашидан келиб чиқиб мулоқот қилишимиз керак, яъни Work этикасига қатъий амал қилишимиз даркор. Шунингдек, мижознинг ишончини суистеъмол қилиш, қўл учидан иш қилиш, сифатсиз хизмат кўрсатиш ярамайди. Бу каби ҳолатлар мамлакатимиз имижини дунё мамлакатлари орасида нотўғри шаклланишига олиб келади. Бу эса юртимиздаги барча мутахассисларнинг глобал бозордаги муваффақиятига салбий таъсир кўрсатади.

– Кўпчилик фрилансерлар асосан вақтини оила даврасида ўтказди, деб ҳисоблашади. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

– Айни дамда мен фрилансерликнинг учинчи бизнес даврига ўтганман ва қўл остимда бир нечта ходимларимиз бор. Ўзим компания бошқаруви билан шуғулланганим боис асосан ишхонада бўламан. Ишдан кейин бўш вақтимни ва дам олиш кунларимни оила даврасида ўтказаман. Аммо фрилансер бўлган пайтларим 99 фоиз оила даврасида бўлардим. Сабаби ишимни ҳам уйдаги алоҳида хонада олиб борардим. Албатта, оила аъзоларим иш вақтида безовта қилишмасди. Шунга қарамай, иш орасидаги танаффуслар ва йўлга кетадиган вақтим оила аъзо-

ларимга бағишланар эди.

– TechCells компаниянгнинг миссияси ва келгусидаги режалари қандай?

– Жуда менга ёқадиган саволни бердингиз. Компаниямизнинг келажакдаги режалари жуда катта. Аввало, мақсадимиз миллий кадрларимизга асосланган ўзбеконга энг катта IT компаниялардан бири бўлиш. Эътибор берсангиз, ҳозир Ўзбекистондаги IT компанияларнинг аксарияти хориждан келган компаниялар. Чет элда пайдо бўлиб, ривожланиб, сўнг Ўзбекистонда филиалини очган компаниялар, десак хато бўлмайди. Аммо биз Ўзбекистонда бунёд бўлиб, шу ернинг ўзидан ривожланиб, бошқа мамлакатларда филиалларимизни очмоқчимиз. Компаниямиз фаолияти йўлга қўйилганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, эришган ютуқларимиз талайгина.

– IT Stars лойиҳаси ҳақида ҳам ба-тафсил айтиб ўтинг?

– Инсонларга ўз тажрибам ва билимларимни улашиш мақсадида бир нечта лойиҳалар ҳақида бош қотирганимда бир нарсани эътиборимни тортган, юртимизда IT соҳасини ўргатувчи бир қанча ўқув марказлари бўлса-да, кўплаб ёшлар фақат маҳаллий корхоналар билан ишлашади, хориж билан ҳам-корликда фаолият олиб борадиганлар жуда кам. Шунини инобатга олган ҳолда, инсонларга иш топишда қўмақлашсам, янада манфаатлироқ бўлади, деган мақсадда ушбу лойиҳага қўл урганман. Ўзимизнинг дастурчиларни жаҳон аренасида юлдуз даражасига олиб чиқишни ниёт қилиб лойиҳамизни IT Stars деб номлаганмиз.

– Биламизки, IT соҳасини ўрганиш осон эмас, боз устига, асосан компютер билан ишланади. Бўлажак фрилансерларнинг ота-оналарига тавсиялар...

– Мени шу кунга қадар эришган катта-кичик ютуқларимнинг бари ота-онамнинг дуолари билан, десам муболага бўлмайди. Тўғри, IT соҳаси осон эмас, уни ўрганиш ҳам инсондан юксак сабр, вақт, билим, ва албатта, уйқусиз тунларни талаб қилади. Менинг ҳам онам тунда дарс қиладиган вақтим бедор эканлигимни кўриб, оналик меҳри жўшиб йиғлаган пайтлари ҳам бўлган. Аммо нимчадир эришиш учун нимадандир воз кечиш керак. Бўлажак IT мутахассисларининг, фрилансерларнинг ота-оналарига маслаҳатим, фарзандингизнинг қарорларини қўлаб-қувватланг, чунки ота-оналар ва фарзандларнинг замони ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Вақт ўтгани сари инсонларнинг дунёқарашини ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам фарзандларингизни фақат дуо қилинг!

Эъзоза ТУРҒУНОВА
суҳбатлашди

“
IT СОҲАСИ
ОСОН ЭМАС,
УНИ ЎРГАНИШ
ҲАМ ИНСОНДАН
ЮКСАК САБР,
ВАҚТ, БИЛИМ, ВА
АЛБАТТА, УЙҚУСИЗ
ТУНЛАРНИ ТАЛАБ
ҚИЛАДИ.”

ПОДПИСАН МЕМОРАНДУМ

между IUT и научно-исследовательским институтом по изучению проблем объектов культурного наследия и развития туризма



19 июля 2022 года состоялась встреча ректора Университета ИНХА в Ташкенте М. Джалалова и директора Научно-исследовательского института по изучению проблем объектов культурного наследия и развития туризма при Министерстве туризма и культурного наследия Республики Узбекистан Е. Гольшевой.

Стороны обсудили вопросы двустороннего сотрудничества и подписали Меморандум о взаимопонимании.

Согласно данному Меморандуму о взаимопонимании, сотрудничество между организациями будет осуществляться по следующим направлениям:

1. Проект по внедрению инновационных технологий (аудиогидов) в музеях Ташкента для корейских туристов.

2. Организация и проведение курсов переподготовки по корейскому языку и повышения квалификации (тренингов) для работников туристических предприятий, специализированных учебных заведений Республики Узбекистан и системы Министерства туризма и культурного наследия (Институт короля Седжона при МСЭ).

После подписания документа стороны договорились провести ряд встреч для разработки и реализации совместных проектов и мероприятий.

ОКОЛО 40 КОМПАНИЙ ЛИШЕНЫ СТАТУСА РЕЗИДЕНТА IT-PARK

Около 40 компаний лишены статуса резидента IT-Park из-за неисполнения своих обязательств перед Дирекцией. Как известно, резиденты должны осуществлять свою деятельность в соответствии с требованиями Постановления Кабинета Министров от 15 июля 2019 года №589 и выполнять обязательства согласно Договору об условиях деятельности резидента IT-Park.

В частности, в обязанности резидентов IT-Park входит: осуществлять исключительно виды деятельности, указанные в бизнес-плане, основанном на видах деятельности согласно Перечню;

предоставлять в Дирекцию IT-Park на ежеквартальной основе информацию о своей деятельности;

ежегодно проводить аудит финансово-хозяйственной деятельности и направлять одну копию аудиторского заключения в Дирекцию IT-Park;

выполнение обязательств, вытекающих из Договора об условиях деятельности резидента с Дирекцией IT-Park.

Резиденты, нарушившие требования Положения, лишаются статуса резидента, а



налоговые льготы будут аннулированы, с восстановлением обязательств по их уплате в Государственный бюджет Республики Узбекистан в установленном порядке. Наряду с этим, со стороны IT-Park 79 компаниям-резидентам были отправлены уведомления о доработке аудиторских заключений в связи с несоответствием их требованиям Положения и последующим лишением статуса резидента за непредоставления аудиторского заключения по форме.

Напомним, что статус резидента IT-Park даёт определённые преимущества. Так,

компании-резиденты освобождаются сроком до 1 января 2028 года от уплаты всех видов налогов и обязательных отчислений в государственные целевые фонды, а также социального налога. Вместе с этим, доходы в виде оплаты труда облагаются налогом на доходы физических лиц по фиксированной ставке 7,5 процента.

Кроме того, резидентам предоставляются следующие преференции:

выплаты дивидендов в иностранной валюте для иностранных учредителей — 5%;

выплаты заработной платы в иностранной валюте для иностранных сотрудников;

использовать услугу Виртуального офиса по договору с Дирекцией IT-Park;

не требуется разрешение на работу для иностранных специалистов;

осуществлять экспорт услуг без наличия экспортного контракта;

отчисления резидентов в IT-Park сокращаются с 1% до 0,5% при годовом экспорте свыше 20 000 000 USD.

Отметим, что на сегодняшний день количество резидентов IT-Park составляет 707 IT-компаний.


APPLE ОТКАЖЕТСЯ ОТ SIM-КАРТ



В Европе и Азии технология eSIM обретает все большую популярность, и Apple может отказаться от слота для физических SIM-карт в iPhone 14, сообщает портал 9to5mac со ссылкой на Wall Street Journal.

Предполагается, что Apple выпустит несколько модификаций iPhone — как с поддержкой физических и цифровых SIM-карт, так и работающую исключительно с eSIM. То есть компания сохранит модель, в которой возможна установка SIM-карт для массового рынка. Вероятно, версия смартфона, которая подключается к сети только посредством eSIM, будет доступна исключительно для тех стран, в которых широко распространена одноименная технология.

ИЛОН МАСК ГОВОРИТ, ЧТО ВЫГРУЗИЛ СВОЙ МОЗГ В "ОБЛАКО"



Генеральный директор Tesla Илон Маск сказал, что он уже общался с виртуальной версией самого себя. Виртуальная личность появилась после загрузки его мозга в облако.

О выгрузке своего мозга в компьютерную среду Илон Маск сообщил в Twitter. Это был его ответ на вопрос основателя Dogecoin DOGE/USD Билли Маркуса о том, подружился ли бы человек и его виртуальный клон.

Подробнее о "выгруженном" мозге Илон Маск не предоставил. Эксперты предполагают, что миллиардер имел в виду свою нейротехнологическую компанию Neuralink, работающую над разработкой интерфейса мозг-компьютер. Устройство позволит компьютеру переводить мысли человека в понятные сигналы, позволяя выполнять такие действия, как ввод текста и нажатие кнопок, просто думая о них.

Neuralink еще не получил одобрения от регулирующих органов, но ранее Маск заявлял, что компания планирует начать имплантировать компьютерные чипы в человеческий мозг до 2022 года.

Генеральный директор Neuralink и SpaceX также сказал, что устройство будет важно для человеческого рода, чтобы "понять", как сосуществовать с передовым искусственным интеллектом.

С развитием технологий распознавания мнений может произойти, что ваши сны и мысли перестанут принадлежать своим владельцам. Энтузиасты уже бьют тревогу и хотят защитить нас от этого.

КОГО МОЖНО НАЗВАТЬ ДОВЕРЕННЫМ ЛИЦОМ?

Вопрос: кого можно назвать доверенным лицом?

Ответ: доверительный управляющий является профессиональным участником рынка ценных бумаг. Об этом говорится в статье 8 Закона Республики Узбекистан "Об инвестиционных и паевых фондах". Под доверительным управляющим в настоящем Законе понимается юридическое лицо, осуществляющее доверительное управление инвестиционными фондами и (или) паевыми фондами на основании договора доверительного управления.





ХИАОМИ АВГУСТДА ЎЗИНИНГ БИРИНЧИ ЭЛЕКТРОМОБИЛИНИ ЧИҚАРАДИ



Xiaomi бош директори ва асосчиси Лэй Цзюнь август ойида компаниянинг биринчи электромобили прототипини намоёйиш этади.

Бу ҳақда Arena EV портали хабар берди. Xiaomi раҳбари лойиҳанинг режа мувофиқ давом этишига ишонч ҳосил қилган.

Кайд этилишича, электромобил тақдиротидан сўнг йўл синовлари, жумладан, автомобилнинг қишқи илк синовлари бошланади. Электромобилни ишлаб чиқаётган жамоа Шанхайда жойлашган HVST Automobile Design компаниясининг бир қисми бўлиб, улар Weltmeister Moven концепт-карида ҳам ишлаган.

Ўтган йили Xiaomi ўзининг автомобил бўлимини ривожлантириш учун 10 миллиард доллар ажратди. Компаниянинг авто-

мобил ишлаб чиқарувчи заводи Ичжуан шаҳрида қурилади, у ерда компания тадқиқот ва ишланмалар марказига ҳам эга бўлади.

ДУБАЙ 40 МИНГТА ВИРТУАЛ ИШ ЎРНИ ЯРАТИШ РЕЖАСИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Хенлей & Партнерс консалтинг фирмаси тахминига кўра, йил охирига қадар Амирликларга 4 минг нафар миллионер кўчиб ўтади.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳри ҳокимлиги беш йил ичида 40 мингта виртуал иш ўрни яратиш ва бюджетга 4 млрд. доллар келтириши мўлжалланган "Дубай метакоиноти" лойиҳаси ишга туширилганини эълон қилди.

Амирлик валиаҳд шахзодаси шайх Ҳамдон бин Муҳаммаднинг маълум қилишича, ҳозирда Дубайда метакоинот ва блокчейн соҳасида мингдан ортиқ компания фаолият кўрсатмоқда. Улар миллий иқтисодиётга 500 млн. доллар фойда келтирмоқда.

Стратегия беш йил ичида Дубайдаги блокчейн-компаниялар сонини беш бараварга кўпайтиришга қаратилган. Ҳукумат фойдаланувчилар учун хавфсиз ва ишончли платформаларнинг глобал стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда инфраструктура яратиш устида иш олиб бормоқда. Шаҳардаги йирик компаниялар

"Дубай метакоиноти"га қўшилмоқда. Эмиратес авиакомпанияси ушбу технологиядан фойдаланишни кенгайтиришини билдирди, Дамас Групп девелопери рақамли шаҳарлар куриш режасини эълон қилди.

БАА бу йил бой эмигрантлар келадиган асосий нуқта бўлиши мумкин, деб прогноз қилмоқда Хенлей & Партнерс консалтинг фирмаси. Уларнинг тахминига кўра, йил охирига қадар Амирликларга 4 минг нафар миллионер кўчиб ўтади. Бу 2019 йилдагига қараганда 208 фоизга кўп (1300 киши). Хенлей & Партнерс тахминича, Россияни бу йил 15 минг миллионер тарк этади.

ТИКТОК ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИДА БИЗНЕСНИ ҚИСҚАРТИРМОҚДА

Хитойнинг Тикток қисқа video иловаси Осиё бозорига кўпроқ эътибор қаратишни ва бошқа минтақалардаги фаолиятни қисқартиришни режалаштирмоқда, деб ёздаи Хитойнинг "Саилиан" иқтисодий ахборот агентлиги манбаси.

Компания асосан Ҳиндистон, Малайзия, Таиланд, Япония, Жанубий Корея ва яқин Шарқ каби бозорларга эътибор қаратишни режалаштирмоқда.

Тикток қисқа video дастурлар

сегментида етакчига айланди ва бутун дунёда машҳурликка эришмоқда.

КРИПТОВАЛЮТАДАН ЭНГ КЎП ФОЙДАЛАНГАН МАМЛАКАТ ҚАЙСИ?

Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ Конференцияси доирасида 2021 йили криптовалюта энг кўп ишлатган давлатлар рейтингни шуклантирилди.

Натижа қуйидагича:

Украина (12,7%)
Россия (11,95%)
Венесуэла (10,3)
Сингапур (9,4)
Кения (8,5)
АҚШ (8,3)
Ҳиндистон (7,3)
Жанубий Африка (7,1)
Нигерия (6,3)
Колумбия (6,1)



Халқаро ҳаёт

БМТ РАСМИЙСИ ДУНЁНИ "МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ИНҚИРОЗ"ДАН ОГОҲЛАНТИРДИ



БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастури ижрочи директори Дэвид Бислиннинг айтишича, жаҳон ҳамжамияти озиқ-овқат инқирозини энгиб чиқмаса, дунёни оммавий очарчилик, беқарорлик ва оммавий миграция кутмоқда.

Бу ҳақда у Халқаро ишлар бўйича кенгаш сайтида ташкил этилган муҳокама доирасидаги чиқиши чоғида маълум қилган.

Бисли айтганидек, дунё аллақачон "мисли кўрилмаган инқирозга" дуч келмоқда.

"Агар биз у билан стратегик ва самарали курашмасак, бизни оммавий очарчилик, ўнлаб мамлакатларнинг беқарорлиги ва оммавий миграция кутмоқда", деди у.

Унинг сўзларига кўра, 2023 йил ҳозиргидан ёмонроқ бўлиши мумкин.

БМТ расмийсига кўра, Жаҳон ҳамжамияти яқин 6-12 ой ичида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиши сабабли қийинчиликларга дуч келади ва агар муаммо ҳал этилмаса, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги бошланади.

Аввалроқ, Украина ташқи ишлар вазири Дмитрий Кулеба дон етказиб бериш бўйича келишувга эришилганини маълум қилганди.

БРИТАНИЯ БОШ ВАЗИРЛИГИ УЧУН ИККИ НОМЗОД ҚОЛДИ

Буюк Британия Консерватив партияси етакчилиги учун пойга финалига партиянинг парламентдаги вакиллари ўртасида овоз бериш жараёнининг охириги туридан кейин собиқ молия вазири Риши Сунак ва амалдаги ташқи ишлар вазири Лиз Трасс чиқди.

Борис Жонсоннинг истеъфосидан кейин Консервативлар партиясида етакчилик учун кураш давом этмоқда — партиянинг янги раҳбари Буюк Британиянинг янги бош вазирига айланади. Айни вақтда кураш ҳал қилувчи босқичга кирмоқда.

Сўнгги турда Риши Сунак 137 овоз олди, Лиз Трасс - 113. Шу билан бирга, Сунакнинг натижаси ўтган турдагига қараганда 19 пунктга, Трасс хонимники эса 27 пунктга яхшиланган.



Елизабет Трасс бошқа номзодларга қараганда катта сиёсий тажрибага эга деб қараларди, у бошқа вазирлик лавозимларида ҳам ишлаган. Ўз навбатида, Пенни Мордонт ҳукуматда Риши Сунақдан кўра кўп вақт давомда бўлган.

Чоршанба тонгида, парламентда овоз бериш жараёнининг сўнгги тури арафасида букмекерлар Трасснинг имкониятини юқо-

рироқ баҳолашаётганди.

Эндиликда, номзодлар атиги икки нафар қолганида улар энди парламентдаги ҳамкасбларини эмас, Консерватив партиянинг барча аъзоларини ўзи энг муносиб номзод эканига ишонтириши талаб этилади.

ЕВРОПАДА ЭКСТРЕМАЛ ИССИҚ ВА КУЧЛИ ЎРМОН ЁНГИНЛАРИ. ЮЗЛАБ КИШИЛАР ҲАЛОК БЎЛМОҚДА

Испанияда ҳаво ҳарорати 45 даражадан, Португалияда 47 даражадан ошган.

Июл ойида Европа мамлакатларида аномал иссиқлик қайд этилмоқда. Айрим ҳудудларда ҳаво ҳарорати 40 даражадан ошиб кетган. Испания, Португалия, Франция ва бошқа мамлакатларда ўрмон ёнгинлари бошланган — ҳукумат ёнгин хавфи мавжуд бўлган ҳудудлардан минглаб кишиларни кўчирган. Иссиқ ҳарорат туфайли юзлаб кишилар вафот этмоқда, Евроиттифоқнинг кўплаб мамлакатлари фавқулодда ҳолат режими жорий этган. Экспертлар бўлаётган ҳодисаларни иқлим ўзгаришлари билан боғлашмоқда.





ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ БУТУНГИ КУНДА ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИГА ЭНГ КЎП КИРИТИЛАДИГАН, АЙНИҚСА, РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ КАТТА ДАРОМАД МАНБАИ БЎЛГАН, БУТУН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КУРИНИШИДА ЖИХЎЗЛАШГА КЎМАКЛАШАДИГАН, ИНСОН ТАФАККУРИ ВА ЯНГИ БИЛИМЛАРГА АСОСЛАНГАНЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4024-қарори билан тасдиқланган Низомга асосан “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ўртасида имзоланган келишувга асосан телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритувчи, маълумотлар узатиш ва телерадиоэшиттиришларни (трансляция қилиш) тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши юзасидан назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик тартиби белгиланган.

Келишувга асосан Агентликнинг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази (марказ) томонидан интернет тармоғининг .uz домени ҳудудида рўйхатдан ўтган веб-сайтлар мониторинги натижаси бўйича ҳафталик хулосалар тайёрланиб, “Ўзкомназорат” инспекциясига чора кўриш учун хат билан тақдимнома ва хулосалар киритилади. Мазкур хулосаларга асосан марказ томонидан аниқланган қонун бузилишлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 189, 189(1), 191-моддалари билан кўзда тутилган

ҳуқуқбузарликларни ўз ичига олган веб-сайтлардаги ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси томонидан мазкур ҳолатлар ўрганилиб, ваколат доирасида чоралар кўрилади.

Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ишларни юқори даражада ташкил этиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг самарадорлигини ташкил этиш, идораларо мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2022 йилда “Интеллектуал мулк соҳасини

маҳсулотларга самарали қарши курашиш, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қарор билан 2022 йил 1 майдан бошлаб Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг фонограммалар ва аудиовизуал асарларни тарқатишда (сотиш, ижарага бериш ва барчанга эътиборига етказишда) муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш бўйича қонунчиликка риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари тўлиқ Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясига ўтказилганлиги, интернетда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунбузилишлар реестри” ахборот тизимининг ишга туширилиши, веб-сайтлар томонидан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тизимли равишда бузилиши белгиланган тартибда исботланган тақдирда, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Адлия вазирлигининг хулосаси асосида мазкур веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотларни қонунбузилишлар реестрига киритиши ва унинг кўрсатмасига мувофиқ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу веб-сайтлар фаолиятини муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузувчи ҳатти-ҳаракатлар бартраф этилмагунга қадар қонунчиликка мувофиқ чеклаш вазифалари белгилаб берилди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида, Бухоро вилоятида ЭХМ учун дастурлар тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя


қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш, жумладан, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш дастурлари доирасида олиб борилаётган ишлар, яратилган тармоқ ва тизимларнинг муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун талабларига мувофиқлигини инобатга олган ҳолда белгиланган шаклдаги паспортларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6079-фармони билан тасдиқланган йўл хариталарида белгиланган вазифаларни бажаришда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда корхона ва ташкилотлар томонидан яратилган тизимларнинг тегишли паспортлари шакллантириди.

Бухоро вилояти ҳудудида ЭХМ учун дастурлар тарқатиш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини аниқлаш мақсадида мониторинг ишлари олиб борилиб, 14та хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти таҳлил қилинганда, саккизтаси ЭХМ учун дастурлар тарқатиш фаолияти билан шуғулланиши, 66таси бошқа фаолият тури билан шуғулланиши, 40та хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият турини аниқлаш бўйича ўрганилганда тўрттаси ЭХМ учун дастурлар тарқатиш, 36таси бошқа фаолият тури билан шуғулланиши аниқланди. Вилоят бўйича ЭХМ учун дастурлар тарқатиш фаолияти билан шуғулланаётган жами 12та хўжалик юритувчи субъект фаолият юритаётганлиги аниқланди. 12та хўжалик юритувчи субъект тўғрисидаги маълумотлар базаси яратилди.

Моҳигул НАВРҲУЗОВА,
“Ўзкомназорат” давлат инспекцияси Бухоро вилояти ҳудудий инспекцияси бошлиғи

“UZ ДОМЕНИ ҲУДУДИДА РҲЙХАТДАН ҲТГАН ВЕБ-САЙТЛАР МОНИТОРИНГИ НАТИЖАСИ БҲЙИЧА ҲАФТАЛИК ҲУЛОСАЛАР ТАЙЁРЛАНИБ, “ЎЗКОМНАЗОРАТ” ИНСПЕКЦИЯСИГА ЧОРА КҲРИШ УЧУН ХАТ БИЛАН ТАҚДИМНОМА ВА ҲУЛОСАЛАР КИРИТИЛАДИ.

янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 221-қарорининг қабул қилинганлиги Интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш, интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ҳамда контрафакт



ҚАЙСИ БИРИНИ СОТИБ ОЛСАМ ЭКАН?

САРЛАВҲАДАГИ ТАНЛОВ ОЛДИДА ЎЙЛАНАЁТГАН МУХЛИСЛАР УЧУН УШБУ МАҚОЛАМИЗ ЖУДА ФЙДАЛИ БЎЛИШИ МУМКИН. БУГУН ХАОМИ ТОМОНИДАН ЯНГИ ТАҚДИМ ЭТИЛГАН РОСО F4, РОСО X4 GT ВА ХАОМИ 12 LITE СМАРТФОНЛАРИНИ ТАҚҚОСЛАЙМИЗ.

Смартфонлар нарх жиҳатидан бир-бирига жуда яқин, шунинг учун айнан таққослаш учун ушбу смартфонлар танланди. Техник кўрсаткичларидан шунга айтишимиз мумкинки, агар сиз смартфонда кўп ўйин ўйнасангиз ёки оғир вазибаларни бажарсангиз, POCO X4 GT моделини танланганингиз маъқул. Чунки ушбу қурилма юқори унумдорликни тақдим этувчи Dimensity 8100 чипи билан жиҳозланган. Шунингдек, смартфон ичига совутиш қоплами ўрнатилган бўлиб, бу чипнинг қизиб, унумдорлик даражаси пасайиб кетишининг олдини олади.

X4 GT моделининг икки смартфондан яна бир устунлик томони унинг дисплейи 144 герцда ишлайди. Бу эса ўйин ўйнаш вақтида қўшимча устунликни тақдим этади. Қолаверса, учта смартфон ичиде X4 GT энг катта ҳажмли аккумуляторга эга смартфон ҳисобланади – 5,080 мАс.

Унумдорлик даражаси бўйича Snapdragon 870 чипи билан жиҳозланган POCO F4 модели X4 GT'дан ҳеч ҳам қолишмайди. Шунингдек, F4 ҳам совутиш тизимига эга. F4 моделига X4 GT'даги LCD ўрнига AMOLED дисплейи ўрнатилган. AMOLED дисплейининг даражаси эса LCDдан юқорироқ.

Камера техник кўрсаткичлари бўйича ҳам

POCO F4 қолган икки смартфондан яхшироқ кўринмоқда. Гарчи Xiaomi 12 Lite модели юқори резолюциядаги камера билан жиҳозланган бўлса-да, унинг камерасида F4 каби оптик стабилизацияга мавжуд эмас. Бундан ташқари, икки моделдан фарқли ўлароқ POCO F4нинг орқа панели пластик эмас, балки шиша билан қопланган.

Ўрта тоифадаги Snapdragon 778G чипига эга бўлган Xiaomi 12 Lite уч қурилма ичиде энг кучсиз смартфон бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ Snapdragon 778G флагман чиплар каби бўлмаса ҳам яхши унумдорлик даражасини тақдим этади.

Смартфоннинг афзалликларига тўхталадиган бўлсак, у қолган икки смартфонга қараганда анча ихчам. Қурилма қўлда жуда яхши ўрнашиб туради. Қолаверса, унинг асосий камера резолюцияси 108 мегапикселни ташкил қилади. POCO моделлари эса 64МП асосий камерага эга.

Яна бир кичик устунлик шундаки, Xiaomi 12 Litening селфи камераси 1080р 60 кадр/сония форматда видеолар олиши мумкин. Қолган икки смартфон 30 кадр билан чекланган.

Эслатиб ўтаамиз, смартфон расман 350–400 долларлар атрофида сотувга чиққан. Савдо офисларида нархлар турлича бўлиши мумкин.

Кулги бекати

Хотин эрига:

– Дадаси, мундоқ ўғлингизга гапирсангиз-чи...

Кўни бўйи интернетдан бошини кўтармайди.

Эри:

– Ойиси, ўзинг айтавер. Ўғлинг мени

“чёрныйга солиб қўйган”...

- Радиого кўнгироқ бўлибди:
- – Алло, бу радиомии?
- – Ҳа. Кимга салом йўлламоқчисиз?
- – Ҳеч кимга. Шунчаки ҳовлига тариқ
- ёйган эдим. Радиони овозини баланд
- қилиб қўяман. Ҳар-ҳар замон “киш-
- киш” деб турсангиз...

Ибрат



БУВИМНИНГ ФАРЗАНДСИЗ ДУГОНАСИ

Раҳматли бувимнинг дугонаси бўларди. Фарзандлари вафот этиб кетганми ё бола кўрмаганмиди, эсимда йўқ, кунда-кунора бизни келарди. Бир кун и ўша аёл бизни мақтаб қолди:

– Ўртоқ, невараларингга кўз тегмасин, бир-биридан ақлли, бир-биридан доно-я! Қандоғам бахтли экансан!

Мен ғурурланиб бувимга қарадим. Ичимда: “Ҳозир бувимам бизни мақтайди, айниқса, мени!” – деб маҳтал турибман. Лекин бувим...

– Э, қўй, мақтама буларни! Бола-чақанинг фитна эканини билмайсан-да! Сен шукрингни кўпайтир. Бу невараларам бор бўлсин-у лекин... – у ёғига менга ёқмаган аллақанча гапларни айтди. Болалигимга бориб, бувимдан хафа бўлдим. Кечгача тўсрайиб юрдим. Кечки пайт бувим мени ёнларига чақирди.

– Бояги гапларимга хафа бўлдинг-а? – деди. Мен баттар тумтайдим.

– Ҳали ақлинг тўлишмаган-да, қизим, шунга хафа бўлдинг. Қулогингга бўлсин, улғайиб, фарзанд кўрсанг, фарзанди йўқ аёлларнинг олдида болаларинг билан зинҳор мақтанма! Уйи йўқнинг олдида уйингни мақтама! Пули йўқ, ночорнинг олдида тўқчилигинг билан мақтанма! Пиёда қолганларнинг олдида уловингни мақтама! Айб бўлади!

– Нимаси айб бўлади?

– Унинг ношукрлиги кўпаяди, ичиде ҳасад уйғониши мумкин, ўксиши мумкин, бир дардига ўн дард қўшилиши мумкин... Буларга сабаб бўлиб қолмаслик керак. Бировнинг ўкинчдан бўйни букилишига сабабчи бўлиш айб... йўқ, гуноҳ бўлади, қизим...

Бу ўғитлар ҳаётимда шунчалар кўп асқотдики...

Дилфуза КОМИЛ

<p>Xabar</p> <p>MUASSIS:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalatiga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>MANZILIMIZ: 100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Nabvatchi: Usmonjon YO'LDOSHEV.</p>	
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>	<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>	<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>	<p>Г-759 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 2991</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>	
<p>Viloyat muxbirlari:</p> <p>Andijonda (74) 226-47-80 Buxoroda (99)854-7305 Jizzaxda (94) 199-95-64 Namanganda (91) 353-71-25 Navoiyda (79) 225-91-10 Nukusda 554-35-45 Samarqandda (91)557-84-44 Termizda (99)508-30-52 Toshkentda 234-18-59 Urganchda (97) 211-65-05 Farg'onada (73) 244-18-05 Qarshida (93)931-08-99</p>					